

ХАЛҚ БАХШИ-
СИ ПОРТРЕТИ

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти халқ бахшиси юртношларининг совгаси — Эргаш Жуманбулду ўғли портретини қабул қилиб олди.

Шоир тасвири куйдрилган тахтада ас эътирилан. Портретни Самарқанддаги Нурот районидаги 7-мектаб-интернатнинг «Мохир кўлар» тўғари қатнашчи М. Бозоров ишлади.

Бахши портретини Эргаш Жуманбулду ўғлининг ҳаёти, ижоди ва адабий меросини ўрганишга бағишланган экспозицияга қўшиб қўйишга қарор қилинди.

СУВ ЙЎЛИ
РАВОН

Республика мелiorаторлари каналлари ва коллекторлари механизация воситасида тоза-лаш планини бажардилар. Экин-ларни сугориш чоғида каналлар ва коллекторларнинг тўбига чуқ-қиб қолган қуш миллион куб метрдан ортиқ лойқадан ирмоқ-лар тозаланди.

Ирригация-мелiorация ша-ҳобчаларини бахорга тайёрлаш-да Сирдарё областининг гидро-механизаторлари зарбдорларча меҳнат қилишди. Улар барча каналлар ва коллекторларни лойқадан тоза-лаб, равион қилиб қўйдилар. Зовурлардан меха-низмлар ёрдамида қўшмача ра-вишда бир миллион куб метр тупроқ қазиб олинди. Самар-қанд областининг гидро-меха-низаторлари плани қарийб бир ярим баравар ошириб бажарди-лар. Андижон, Сурхондарё, Хоразм областлари ва Қорақал-поғистондаги каналлар ва кол-лекторларда мўлжалданган иш-лар ошириб бажарилиди.

(ЎзТАГ).



ФЕСТИВАЛЬ ТУГАДИ

Тошкент политехника инсти-тутининг студентлар театри — СТЭМП «Қўлгили-йигирма ёш» деган янги постановкани на-мойиш қилди. СТЭМП ташкил-этилганлигининг 20 йиллигига бағишланган Ўзбекистон пойтах-тида ўтказилган мамлаката-миздаги политехника олий ўқи-ш юртлири студентлар миннато-ри театрларининг фестивали тугади.

Москва, Куйбисhev, Новосе-бирск, Иркутск, Днепродзе-ровск, Челябинск студентлари юбилей ҳузурига меҳмон бўлиб келишди. Ҳаваскор артистлар

етти кун мобайнида Тошкент-нинг энг яхши концерт заллари-да ва театрларида ўз санъатла-рини намоиш этдилар. Улар студентлар ҳаётидан олинган саҳналарни, совет авторлари ва рус адабиёти классиклари-нинг саҳналаштирилган сатирин асарларини наро этишди.

СТЭМП меҳмонлари тўпла-ган ижодий тажрибаларини ўр-тоқлашди, саноат корхона-ларининг ёш ишчилари билан учрашди. Тошкент инсти-тутлари бўлдилар.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ бадний буюмлар

фабрикаси попон дехининг

кекса ишчиси М. Исроиловани

доним ёшлар орасида учратиш

мумкин. У дехдаги ёш ишчилар

нинг энг яхши маслаҳатгўйи.

Илгор чевар Ш. Лутфуллаева

(ўнгда) ҳам М. Исроиловага

тез-тез муносабат қилиб, унинг

маслаҳатини олиб туради.

Ж. ТУРАЕВ фотоси.

ДУСТЛИК КЎПРИГИ

(Шоир Юсуф Шомансурнинг «Райчарон» дошнинг тарихидан ҳикоя қилинади. Қўйида

дostonида ҳинд-ўзбек халқлари дўстлиги, қар-шу асардан парча ўқийсиз).

Эргашди Райчаронга бола бақралар,
Борар узун чадорини тушга тушқа.
Қўлда анқуш! тағини ушлаб айналар,
Кафтин жуфтаб таъзим этар ингадан халқа.

У Лейлининг ҳузурига отламини огути,
Ажинлари юздан тарқаб шодланмиш бугун.
Қўлда туғун, ҳалдосаган бир ҳолда келар
Лўп-лўп қалин тупроқ босиб Самандар бобо,
Ҳамма салом берар, Рай ҳам аста эгилар,
«Бир аринмас савго» — дер у, — Ленинга

Бериб қўйин бутам, Дегин: «Самандар
чолдин,
Ҳар анорки, шарбатлари қолмас болдин.
Ахир Ленин анор сувиш нчмаса бўлмас,
Яхон дарди билан чарчар ахир, мисли.
Тайинлагин: ётар олдин бир хўлласа, —

бас,
Асаблари юмшар худди инак толаси
Ўзинг сийиб бергин мана бундоқ

Қўларинга қара Райжон, боқма астига»,
Ҳамма кулар, Самандар чол сузайди

Райчарон ҳам етар гўё жаҳоний жузбоқ,
Сал ўтмасдан бу ер сайлага айланиб кетди,
Гуррос-гуррос келаверди одамлар иноқ,
Бари келиб Райчаронга таъзим этади,
Ильичга деб туғун-туғун туҳфа тутди.
Райчароннинг совга тоғи босган кўксини
Ҳайратланиб Есенинга боқар: на қилай?

Командир-чи, қўлга олар юмшоқ махсини,
Айлайтириб кўрар. Қўлар, сўнгра дейди: —

Рай,
Қара, Ленин кияринди шул антиқияни?..
Чой қўйгандан сўрамаймиз: қанти қани? —

Совга-совга! Ҳар аринмас совга ҳам анзи;
Қониндай бир совгага жо денгиздай меҳр.
Аслида-ку, ҳар қандайини совга ҳам ожиз,
Ильич меҳрини ифодаси бормикин ахир?

— Тўғри, — дейди Чарон, — аммо масала
шуки,
Синдрмасин белгини совганинг юми?

— Билайман, — дер Есенин, — халос
этмасан, —

Фил бўлсанг ҳам йўлда чўкиб қолмоғини
анин,
Сўнгра халқа хитоб қилар: — Ҳаммангиз
хотам,

Дилингда Ленин ота чироғи ёниқ.

1. Анқуш — фил ҳайдайдиған таёқ. Ҳинд-
лар саёхатга пийда чиқсаларда, филдай куч-
ли бўлай деган маънода шу таёқни олиб юра-
дилар.

Совганин Райдан қайтиб олинган, аммо,
Бир Самандар ота бўлсин бундан мустасно.
Шўча юсин кўтара олмас ахир, Райчарон,
Дўстлар, Ленин учун анзи совганимиз багга:
Босманнинг уюсин этдин биз лисон,
Совга бўлмас Ғалабаю Ғафурдан патта!
Ғалабаюз хабарини Ленин қўлогин
Эшитдингиз, — басди—аён гапнинг бу ёни!
Шу нафасда демек ҳар бир ўзбек,

Ҳар бир дўст

Ўз кафтида Ленин кафтин сезмоқда ҳақли.
Жангилда иштироқин Райга ташлаб қўз
Ильич кўрар: қандай ботир Туркистон халқи!
Ва кўрарки: халқиданоқ ўзбек машъали

Бутун Шарқнинг ҳаёлини этар нағшали.
Шу сўз билан ҳозир гўё Есенин ота
Турганларнинг ҳар бирини Ленинга элтиди.
Ўзлаб жуфт кўз бир зумгизна Шимолга

оғар:
Ҳар ким салом бериб Ленин ёнидан ўтди!
Тайларданг такрорланмас бир жипирлаш,

оҳ —
Қодир энди курашларда йиқмоқ учун тоғ.
Райчароннинг гайратига қўнлар гайрат,
Самандар чол хонини юзига сўртар,
Бу билан у, йўқ, йўқ, қилмас хиллар

пободат,
Чоқ тилмоли—халқа меҳрини ифода этар.
Сўнг бурондай қўзғалди олдига қараб,
Қадам-қадам эмас, борар шарафна-шараф.

— Ҳей, болаеи! — яна овоз тўхтатар

Райни,
Оқ булутдай бошда доқа — келарди кампир.
Енидаги, ҳалдосаган Ғафур — оғайни,
Орқароқда Комилхон — баракза тоқур.

Райчаронга патир тутиб, она дер:—тишла,
Ҳинду елка қисиб ҳайрон бўлар бу ишга,
Ғафур қўлу қўларининг ишораси-да

Ташинтирар аранг-аранг: тишла, деб ноини.
Яна қайтиб олиб келар сени насига
Ўзбек шундай қилар келар бўлса жаҳонини,
Рай келар-у тишлар нонин ёқиб жойидан.

Сўнг у тупроқ олар оша хонин-пойидан.
Ташланган нон қолар кампир қўлида. Дуо,
Яхши тилас-ёқулдининг ойдаи парчаси,
Райчарон-чи, ўзқўлардан қўз сийлар гоҳо,

Элас-элас қўриқди қўлда халқаси,
Шимол сари ҳар қалам Осн тағти
Бўлиб меҳмон борапти, ба борапти!
Ҳар қадамда у Ильичнинг тоғини

балаидроқ

Эшитгандай яйраб-яйра кетар нукуди.
Рай кемата ҳали бориб етмасиданоқ
Ильич оёқ босиб турган заминнинг ҳиди
Димоғига урилади — қадабга армон

Оламини гарқ этгудайин кўтарар тугён!

Ҳар сафар қишлоққа келганим-
да гузардан ўтаману, Қўшчор
тепалигига кўтариламан. Бу ерди
ипиш туш чинор ам-йил бўлиб
туради. Назаримда, қишлоқнинг фой-
ли ҳам, кўрин ҳам шу чинорлар
деб ўйламан. Унинг салобати,
вазминлиги, қўрамлиги ҳам мен-
га мунис. Момогул орани, унинг
умр дўсти Жиямурод отани эсла-
ти туради. Бу чинорнинг бирини
Жиямурод ота, иккинчисини Мо-
могул она эккан.

Уша йиллари эс-эс хотир-
лайман. Мен ҳали ўйинқароқ бола
эдим. Колхозимиздаги ёшу-қари,
болало-ғудак, хуллас жуда кўп
одам тупа олдидаги майдонга тўп-
ланди. Оналар йиғлашар, ота-
лар қадди дол эди, қиз-жувоғлар
уввос солишарди.

Нега бунчалик қайғу-ҳасрат,
йиги-сиги бўлаётганини ўша пай-
да билмаган эканман. Ҳа, кейин
ҳаммасини билиб олдим, ўша да-
штан кўлар хотирамга қаттиқ
ўрнаниб қолди.

Тепа олдидаги майдонда ҳам-
кишлор қариялар фарзандларини
урунча кузатишарди.

Ен кўшимиз Жиямурод ота
билан Момогул она ўн саккиз йил
тулган ўғли Самандарни урун-
ча кузатишарди. Момогул
она айтаётган бир гап сира-сира эси-
дан чиқмади: «Душманнинг ўқи-
дан ахирт бўл, ўғлим, худойнинг
ўзи асрасин, ағамнинг ўзига топ-
ширдим».

Мен Самандар акамни жуда
яхши кўрайдим. У мени ота минди-
риб мол боқгани йилдоғча, чўлга

олиб борар, қизик суратлари бор
китоблар берар, ҳатто бир кун
ўзи ўқитган бир қаватли оқ мак-
табга ҳам олиб борган эди. Са-
мандар акамни урунча кузатиш-
тигада меннинг ҳам мурған қалбим
тиграб кетиб, йиғлаб юборганман.
Самандар акам мени кўтариб, ко-
ларидан ўтган. Кейин орасини
бағрига босиб: «Онажон, йиғла-
манг, мен қайтаман», — деган
эди.

Уша йиллари эс-эс хотир-
лайман. Мен ҳали ўйинқароқ бола
эдим. Колхозимиздаги ёшу-қари,
болало-ғудак, хуллас жуда кўп
одам тупа олдидаги майдонга тўп-
ланди. Оналар йиғлашар, ота-
лар қадди дол эди, қиз-жувоғлар
уввос солишарди.

Нега бунчалик қайғу-ҳасрат,
йиги-сиги бўлаётганини ўша пай-
да билмаган эканман. Ҳа, кейин
ҳаммасини билиб олдим, ўша да-
штан кўлар хотирамга қаттиқ
ўрнаниб қолди.

Тепа олдидаги майдонда ҳам-
кишлор қариялар фарзандларини
урунча кузатишарди.

Ен кўшимиз Жиямурод ота
билан Момогул она ўн саккиз йил
тулган ўғли Самандарни урун-
ча кузатишарди. Момогул
она айтаётган бир гап сира-сира эси-
дан чиқмади: «Душманнинг ўқи-
дан ахирт бўл, ўғлим, худойнинг
ўзи асрасин, ағамнинг ўзига топ-
ширдим».

Мен Самандар акамни жуда
яхши кўрайдим. У мени ота минди-
риб мол боқгани йилдоғча, чўлга

мади. Кампир ҳувилаган ҳовлида
ёлғиз қолди.

Мен эс-хушимни таниб, ўрта
мактабни биттириданг йилим тепа-
лини олдида урунча ҳалок бўлган-
лар хотирасига мармар тош қў-
йилди. Шу кун Жиямурод ота
экан чинор сўнга яна бир чинор
ўтказилганини кўриб қолдим.
Унинг тағига Момогул она суз
қўярди. Секин ёнига бориб сўра-
дим:

— Она бу чинорини Жиямурод
отам ўтказганлар-а?

— Вой, эсингдан айланып,
эсингда бўрми?

— Ҳа, Самандар акамлар урун-
ча шу ердан кетишганда... Ҳам-
масини билмаман...

Момогул она менга бир зум
тиқилиб туриб, кўзларидан тир-
қираб ёш чиқиб кетди.

— Уруш қўрсин, уруш умрим-
ни кўрипти, ҳар оилада доғ қол-
дириб кетди. Битта-ю битта кўзим-
нинг қораси бедарак кетди. Бу

ги майдонга борар эдим. Оқ доқа
рўмон ўраган Момогул она қадди-
ни букиб олиб, чинорларга сув қў-
йётган бўларди. Иккимиз суҳ-
батлашардик.

— Самандар келмади, — дер
эди ҳазин овоз билан у. — Ўл-
маган бўлса келар... Ноумид шай-
тон. Умидимни узганм йўқ. Мен
уни ҳар эрта тондан кеч тушун-
ча кутаман... Отаси фарзанд до-
ғида ўлиб кетди... Бандлик...
Мен ҳам ўларман... Мана шу икки
туп чинор Самандарни кутади.
Қўрапсамки чинорлар кунботар

моном ёнбошлаб ўсган... Нега дей-
самми?.. Ахир, Самандар ўғлим
кунботар тарафга кетган-да. Сез-
майсанми, чинорлар унинг йўли-
га интизор бўлиб, барглари ши-
вириб тургандай...

— Бу йил ёзда келиб, уйимиз-
дан хунуқ хабар эшитдим. Момо-
гул она вафот эттибди. Бу соғуқ
хабар кўнжидимни қайшатиб
қолди. У ўғлини ўттиз йил инти-
зор кутиб, кўзини қандай юмди-
ми?

Ўш, Момогул она тирин. Унинг
умр дўсти Жиямурод ота ҳам
тирик. Улар тепалида пикни улкан
чинор бўлиб тирик туришибди.
Ана, улар шабобдада маънос ши-
виришиб, кунботарга эғиллиб ту-
ришибди. Улар ўғиллари — Са-
мандарни куттишарди.

Урунча кетганлар учун тепали-
на ҳайқал ўрнатилиб, унда «Зан-
гор олов» — мангу машъал ёна-
пти. Унинг ёнида эса, жасур сол-
дат қабри. Иродаси ҳам, ўзи ҳам
тошдан ишланган она ҳайқали ўг-
ли қабрига тиз чўкиб пола қила-
пти, урушин қарғапти. Тепада
автомат ушлаган ботир жангчи-
нинг ҳайқали марғур ва мардона
қад кўтарган. Гўё уларнинг тин-
члиги сақлашга аҳд қилгандек ик-
ки туп чинор яшнаб турибди.

...Ҳар сафар қишлоққа кел-
ганимда гузардан ўтаману, Қўшчор
тепалигига кўтариламан. Жон
берган, аммо қўл бўлмаган мар-
ҳум ҳамкишлорларимни ўйлаб
фахрланаман.

Ўтамурод НУРМУҲАМЕДОВ.

ТЕРМИЗГА НЕЧА
ЙИЛ БЎЛГАН?

Ҳозиргача бу саволга анин-
жавоб бериб бўлмади. Лекин,
Амударёнинг ўрта оқимидан
Термиз шаҳри мамлакатда энг
қадимги шаҳарлардан бўлиб,
тарихи 2 минг йилдан ошадиган,
деб бемалол айтиш мумкин.
Археологларнинг топаилари,
шунингдек қадимги йилнома-
лардаги қўдан-қўн битиклар
шундан далолат беради.

Сурхондарё област ўлкашу-
нослик музейи директорининг
Ўринбосари В. А. Козловский
бошчилигида бир гуруҳа архео-
логларнинг қазинишлари нати-
жасида ҳозир янги қизик маъ-
лумотлар олинди. Қаср зами-
нига ингичка қудуқ қазиб ту-
ширилганда турли тарихий
дavrларга мансуб қатламлар
равшан очилди. Шу қатламлар-
нинг энг қадимгиси милодгача
II—III асрларга оид бўлиб чиқ-
ди. Топилган нарсалар шу жой-
да қатта шаҳар бўлганлигини
билдиради. Археологлар Аму-
дарёнинг иккала соҳилида жой-
лашган қадимги Ўрта Осиё дав-
лати ўнг қисмидаги Шимолий
Бактриянинг пойтахтларидан
бири бўлса керак, деган тах-
минини айтишди. Қасрни яна
ўрганиш шу фикрнинг қанча-
лик тўғри эканлигини кўрсата-
ди.

Е. ВЕЛИЧАНСКАЯ.

ЎзТАГ мухбири.

«Тошкент ҳақиқати»нинг нав-
батдаги соини 20 декабрда чи-
қади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ВИРИНЧИ РАЛАВА

Ватанимиз пойтахти Мос-
квада «Известия» газетаси-
нинг соврини учун хоккей бў-
йича халқаро турнир бошлан-
ди. Совет спортчилари биринчи
кун ўтган йилги жаҳон чемпи-
онининг кумул медалга эга-
сини Швеция терма командаси
билан учрашди.

Учрашувнинг биринчи дам-
лариданоқ кураш кескин ту-
шди. Ўйиннинг 36 секунди-
да рақиб ҳимоячиси Карлссон
чемпионлар дарвозасига шайба
туширишга муваффақ бўлди.
Кўп ўтмай Харламов майдон
ўртасидан дарвозагача бўлган
масофани ўтиб, ҳисобин тенг-
лаштирди. Вироздан сўнг Ми-
хайлов рақиб дарвозасини
эгаллади. Биринчи бўлим
туғашига 13 минут қолганда
Бодунов ҳисобини 3:1 га олиб
чиқди.

Кескин кураш билан ўтган бу
учрашув 8:3 ҳисобда жаҳон
чемпионлари — совет спорт-
чилари фойдасига ҳал бўл-
ди. Саккиз шайбанинг 7

тасини Петров звеноси рақиб
дарвозасига киритди.

КАРПОВ ЯНА РОЛИВ

Испаниянинг Мадрид шаҳ-
рида ўтказилган халқаро тур-
нирда ёш совет гроссмейстери
Карпов ҳеч бир маглубиятга
учрамай, биринчи ўринни ол-
ди. Ундан ярим очко кам
тўплаган Тукмаков иккинчи,
Фурман эса учинчи ўринни
эгаллашди.

УМИД СОВРИНИ УЧУН

Маълумки, келас йил Ку-
бада тарихда биринчи марта
боса бўйича жаҳон биринчили-
ги ўтказилади. Яқинда ана шу
чемпионатга тайёргарлик юза-
сидан Ленинградда бокс бўйи-
ча халқаро турнир ўтказилди.
Совет боксчилари бу учрашув-
ларда тактик ва техник жи-
ҳатдан маҳоратли эканликлари-
ни кўрсатдилар. Совет бокс-
чилари 11 вази топфасдан
саккизтаанда шохсуланинг энг
юқори поғонасидан ўрин ол-
дилар.



ТОШКЕНТДАГИ «Ширин» магазини ёш савдо ходимла-
рини тарбиялашда аниқгина тажриба тўплади. Бу ерни би-
тирган ушлаб талабалар биргина шаҳарда эмас, областнинг
турли савдо муассасаларида муваффақиятли ишламоқда-
лар. Мақтаб-магазин яқинда ўзининг хизмат кўрсатиш усули-
га ўтди. Бу янгилик йилга 3 минг сўм самара беради.
Суратда: «Ширин»нинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш бўлинида.
Қўйида магазиннинг ўмумий кўриниши.

Л. Глауберзон фотолари.

Бизнинг
Адрес:

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 836495. Редактор уринбосар-
лари — 835885, 837916. Массул секретарь — 834808. Пропаганда, адабиёт
ва санъат бўлими — 831936. Саноат, транспорт ва курилиш бўлими —
833786. Партия турмуши, ахборот ва спорт бўлими — 835811. Қиш-

лоқ хўжалиги, фан мактаб ва олий ўқиш юртлири бўлими — 839050.
Совет курилиш маъиний хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 837045.
Ушлар ва оммавий ишлар бўлими — 834048. Ўзлонлар бўлими — 838142.
Момутатор — 830249 дан 830258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марна-
зий Комитети нашриётининг
босмахонаси Тошкент шаҳри.

Р—02931.
Индекс 64634
В. 1885.